

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ  
УСЛУБИЯТИ**

**PhD, Шермухамедов Б.У.**

Тошкент молия институти

**Аннотация:** Мақолада тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини баҳолаш жараёнининг иқтисодий моҳияти ва унда қўлланилаётган услубиётни такомиллаштириш муаммолари тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштиришда илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган тижорат банкларининг депозит сиёсати самарадорлигини амалга ошириш стратегияси ва тактикасини мустаҳкамлашга йўналтириш билан боғлиқ илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** депозит, депозит сиёсати, депозит сиёсати самарадорли, депозит портфели, депозит операциялари, депозит базаси, пассивлар.

**1. Кириш.**

Жаҳон амалиётида банк депозит сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Smart-banking тизимида фаолият юритувчи банк бўлимлари орқали инновацион депозит хизматларини кўрсатиш, банк тизимини ривожлантириш борасидаги стратегик дастурлар билан депозит сиёсатининг ўзаро мувофиқлиги ва узвийлигини таъминлаш, депозит сиёсатини ишлаб чиқиш услубияти ва уни амалга ошириш инструментларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар чуқур тадқиқ этилган. Бугунги кунда амалга оширилаётган тадқиқотларда депозит сиёсатини шакллантириш бўйича банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясининг таркибий қисми сифатида, шунингдек, депозит сиёсатининг якуний, оралиқ ва операцион мақсадларини белгилашда истиқболга йўналтирилиш (forward looking approach) тижорат банкларида депозит сиёсати самарадорлигини баҳолаш услубияти билан боғлиқ баъзи масалаларни эътибордан четда қолаётганлиги бу борада тадқиқотларни фаоллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини янада яхшилаш билан бир қаторда, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш ҳамда иқтисодиётнинг стратегик аҳамият касб этувчи тармоқларига самарали жойлаштириш бўйича тегишли банк сиёсатларини такомиллаштириш, банк депозит хизматларининг инновацион ва мижозлар учун манфаатли бўлган турларини амалиётга жорий этиш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, банк хизматларининг самарадорлик даражасини ошириш борасидаги бир қатор муаммолар тижорат банкларида депозит сиёсати самарадорлигини баҳолаш услубиятини замонавий шароитларга мослаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Шу ўринда Халқаро валюта фондининг 2020 йил 9 апрелдаги баҳосига кўра, дунё миқёсида коронавирус пандемияси оқибатларига қарши курашиш тадбирларини молиялаштиришга мўлжалланган маблағлар ҳажми 8 трлн. сўмни ташкил қилганлигини, Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур мақсадларга сезиларли даражада катта миқдордаги маблағлар (10 трлн. сўм) сарфлаш кўзда тутилганлигини ва шу сабабли, тижорат банкларида депозит сиёсати самарадорлигини баҳолаш услубияти масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш, банкларни трансформация қилиш, замонавий банк амалиёти, менежменти ва янги хизматларни жорий этиш масалалари алоҳида қайд этиб ўтилганлиги ҳам бу мақсадимизни асосли эканлигини яна бир бор исботлайди.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Илмий мақолада доирасида таҳлил этилган ва бошқа олимлар ҳамда мутахассислар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, шунингдек, жаҳон банклари амалиётида тижорат банклари депозит сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш бўйича қўлланилаётган услубиятлар ва кўрсаткичлар мажмуасини ўрганиш асосида депозит сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз. Шу ўринда қайд этиш лозимки, коронавирус пандемиясига қарши чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўплаб салбий ҳолатлар билан бир қаторда жисмоний ва юридик шахсларнинг омонатлари ҳажмининг камайиб боришига олиб келди. Бу жараён банкларнинг депозит базасининг кучсизланишига олиб келмоқда.

Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини баҳолаш жараёнининг иқтисодий моҳияти ва унда қўлланилаётган услубиятни такомиллаштириш муаммолари кўплаб олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Мазкур масаланинг долзарблиги ва қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларига эътибор қаратамиз.

Буря (2008) депозит сиёсати самарадорлигини депозит ресурслари барқарорлигини ифодаловчи коэффициентлар: депозит ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғининг ўзгарувчанлиги, ушбу қолдиқлардаги ўзгарувчанликнинг турли турдаги депозитлар бўйича пропорционаллиги ва ҳисобварақлардаги қолдиқларнинг барқарорлигидан орқали баҳолашни таклиф этган.

Бир гуруҳ олимлар (Парасураман, Зейтхамль ва Бэрри) томонидан депозит сиёсатининг самарадорлигини баҳолашда SERVQUAL (service - "сервис" ва quality - "сифат" сўларининг қисқартмаси) моделининг стандарт алгоритмидан фойдаланиш мумкинлиги қайд этилган (Gounaris, 2005).

Риковнинг (2019) "Россия Федерациясида тижорат банкларининг депозит сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш" номли илмий тадқиқот ишида депозит сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари бир қатор кўрсаткичлар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ ва ушбу кўрсаткичлар депозитларнинг айланувчанлиги, барқарорлиги ва даромадлилигини қамраб олиши зарур деган хулосаларга келган.

Депозит сиёсати самарадорлигини баҳолашда қўлланилаётган услубий ёндашувларни шартли равишда уч гуруҳга ажратишимиз мумкин. Бунда Ростами (2015) томонидан тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимига асосланган услубият ва ушбу услубият ёрдамида кредит ташкилотларининг маълум бир гуруҳи ёки фаолияти йўналишларини таҳлил этишда бухгалтерия ҳисоботлари ёки эксперт баҳолаш асосида амалга оширилиши баён этилган.

Саҳатвала (2000) тижорат банклари фаолиятини баҳолашда коэффициентлар тизимига асосланган услубиятни нисбатан кенг тарқалганлиги ва бир қатор устуворликларга эга эканлигини эътироф этган. Хусусан, муаллиф томонидан келтирилган тадқиқотда турли ҳажмли банклар фаолияти натижаларини нисбий кўрсаткичлар орқали таққослаш, ўрнатилган меъёрлар (ёки меъёрий чекловлар) доирасида фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш имкониятини бериши ва шу билан бир қаторда услубиятга хос бўлган маълум камчиликларни, жумладан олинган натижаларни интерпретация қилишнинг мураккаблиги, ташқи муҳитнинг таъсирини баҳолаш имкониятининг чекланганлиги каби ҳолатлар изоҳланган.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолашда молиявий таҳлилга асосланган услубият. Горбенко (2013) томонида илгари сурилган бўлиб, мазкур услубиятга хос бўлган асосий хусусиятлардан бири банк фаолияти натижаларини таҳлил этишда мутлақ кўрсаткичлардан қўлланилиши ҳисобланади. Шунингдек, таҳлил процедураси кўп босқичли бўлиб, ўз таркибига: а) сўнгги ҳисобот даврларида молиявий кўрсаткичлар динамикаси тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга ошириладиган горизонтал таҳлил; б) тадқиқ этилаётган молиявий кўрсаткичларда кузатилаётган

тенденцияларни аниқлашга хизмат қилувчи трендлар таҳлили; в) мутлақ молиявий кўрсаткичлар таркибидаги ўзгаришларни аниқлашга қаратилган вертикал (таркибий) таҳлил;) амалда юзага келган молиявий коэффицентларни белгиланган меъёрлар билан таққослашга асосланган коэффицентлар таҳлилини қамраб олади.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида маълумотларни жадваллар асосида қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, абстракт-мантиқий фикрлаш тизимли таҳлил асосида статистик гуруҳлаш, индукция ва дедукция ҳамда эксперт баҳолаш усулларида ҳам унумли фойдаланилди.

### **4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Уқорида келтирилган олимларнинг фикларини ўрганган ҳолда, тижорат банкларининг депозит сиёсати банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясида белгиланган параметрларга эга бўлса, уни самарали деб ҳисоблаш мумкин. Буни эътиборга олган ҳолда депозит сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш услубияти қуйидаги мезонларга мос келиши зарур:

биринчидан, услубият депозит сиёсатининг самарадорлигини банк фаолиятининг умумий самарадорлигидан ажратилган ҳолда мустақил объект сифатида баҳолаш имкониятини бериши зарур. Чунки банк фаолиятининг комплекс таҳлилини амалга ошириш мураккаб жараён ҳамда хусусий ҳолатлар (депозит сиёсати) юзасидан аниқ объектив хулосалар олиниши ҳамма вақт ҳам мумкин бўлмайди;

иккинчидан, депозит сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш банк фаолиятини ривожлантириш стратегияси нуқтаи-назаридан амалга оширилиши зарур. Бу эса услубият ретроспектив ва стратегик таҳлилни қамраб олиши кераклигидан далолат беради;

учинчидан, услубият олинган натижаларнинг объективлигини таъминлаб бериши зарур. Бунда коэффицентларга асосланган таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу орқали турли ҳажмли ҳамда баланс кўрсаткичлари турли валюталарда бўлган банklar фаолиятини таққослаш имконияти яратилади;

тўртинчидан, услубият ўз таркибига зарурий ва етарли даражадаги молиявий кўрсаткичлар тизимини олиши зарур;

бешинчидан, услубият ички ва ташқи фойдаланувчилар учун депозит сиёсати самарадорлиги ёки аксинча вазият юзасидан содда, аниқ ва ишонарли маълумотларни етказиб бериши лозим.

Тижорат банки депозит сиёсати самарадорлигини баҳолаш услубияти мезонларининг аниқлаб олиниши илмий ва амалий манбаларда таклиф этилган услубиятларни таҳлил этиш ва шу асосда ушбу услубиятни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш имкониятини беради.

$$S_{qi} = \sum W_j (P_{ij} - E_{ij}) \quad (1)$$

Бунда:  $S_{qi}$  –  $i$  стимулининг қабул қилиниши сифати;

$W_j$  – атрибутнинг муҳимлилик даражаси;

$P_{ij}$  –  $j$  атрибутга нисбатан яратилган  $i$  стимулни қабул қилиш сифати;

$E_{ij}$  –  $i$  кўрсаткич учун меъёрий ҳисобланувчи  $j$  атрибути учун кутилаётган даража/

Ушбу моделда рақамларда ифодаланган бешта сифат индикатори ( $Q$ ) қўлланилади. Ҳар бир сифат индикатори 22 та кичик мезонлардан иборат. Кичик мезонларда қайд этилган кўрсаткичлар умумлаштирилиб, тижорат банки депозит хизматларининг сифати коэффиценти аниқланади .

Таҳлил жараёнида қўлланилган кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

- активлардан олинган фойдани максималлаштириш мезони (ҳисоблаш формуласи  $A_1 = (\text{фойда} - \text{харажатлар}) / \text{активлар}$ );

- мутлоқ ликвидлилик коэффиценти (ҳисоблаш формуласи  $L_1 = \text{ликвид активлар} / \text{талаб қилгунга қадар мажбуриятлар}$ );

- барқарорлик коэффиценти (ҳисоблаш формуласи  $B_1 = \text{капитал} / \text{ишловчи активлар}$ );

- пассивларда капиталнинг барқарорлиги даражаси (ҳисоблаш формуласи  $B_2 = \text{капитал} / \text{жами мажбуриятлар} * 100\%$ );

- фойда ҳисобига шакллантирилган капиталнинг салмоғи (ҳисоблаш формуласи  $B_3 = (\text{капитал} - \text{фойда ҳисобидан шакллантирилган капитал}) / \text{капитал}$ )
  - жалб этилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги (ҳисоблаш формуласи  $C_1 = \text{фойда} / \text{жами мажбуриятлар}$ );
  - банк операциялари самарадорлиги (ҳисоблаш формуласи  $C_2 = \text{фойда} / \text{ишловчи активлар}$ );
  - капиталдан фойдаланиш самарадорлиги (ҳисоблаш формуласи  $C_3 = \text{фойда} / \text{капитал}$ );
  - активлар самарадорлиги (ҳисоблаш формуласи  $C_4 = \text{фойда} / \text{жами активлар}$ );
  - жалб этилган маблағлардан фойдаланиш коэффиенти (ҳисоблаш формуласи  $\Phi = \text{ликвид активлар} / \text{жами мажбуриятлар}$ )
- Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ҳамда банк баланси маълумотларидан фойдаланган ҳолда банк депозит сиёсатининг самарадорлиги кўрсаткичи аниқланади.

$$DCC = \frac{(P_o - P_t) + (K_o - K_t) - D_x - Z_x}{(P_b - K - A_i)} \quad (2)$$

Илмий мақоламиз олдига кўйилган вазифалар нуқтаи-назаридан олим томонидан билдирилган таклифларни маълум даражадаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда уларни батафсил кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

### 1-жадвал

#### Тижорат банклари депозит операциялари самарадорлигини ифодаловчи коэффицентлар (Рыков, 2019)

Кўрсаткич номи	Ҳисоблаш тартиби	Иқтисодий моҳияти
Таҳлил даврида мижозлар гуруҳлари бўйича омонатлар айланмаси сони	Таҳлил даврида мижозлар гуруҳлари қайтарилган депозитлар суммасининг депозитлар бўйича маблағлар қолдиғига нисбати	Таҳлил даврида мижозлар омонатларидаги маблағларнинг айланувчанлигини кўрсатиб беради
Мижозлар гуруҳлари бўйича жалб этилган депозитлар коэффиенти	Мижозлар гуруҳлари бўйича жалб этилган депозитлар ва берилган кредитлар суммаси ўртасидаги нисбат	Мижозларнинг ҳар бир гуруҳидан жалб этилган депозитлар мижозларнинг қандай гуруҳларини кредитлашда ишлатилганлигини аниқлаб беради
Мижозларнинг гуруҳлари бўйича тузилган депозит шартномалари коэффиенти	Таҳлил даври боши ва охирига мижозлар гуруҳи бўйича тузилган депозит шартномалар ўртасидаги фарқ	Мижозлар гуруҳлари бўйича депозит шартномалари сони кўпайганлиги ёки камайишини кўрсатиб беради
Мижозларнинг гуруҳлари бўйича омонатлар қолдиғининг ўзгарувчанлик коэффиенти	Таҳлил даврида ҳар бир мижоз гуруҳи бўйича омонатларнинг минимал ва ўртача миқдори ўртасидаги нисбат	Кўрсаткичнинг 1 га яқинлашиши омонатларнинг барқарорлигидан далolat беради
Мижозларнинг гуруҳлари бўйича омонатлар қолдиғининг барқарорлиги коэффиенти	Таҳлил даврининг турли саналарида ҳар бир мижоз гуруҳи бўйича омонатлар қолдиқлари ўртасидаги фарқ	Омонатлар қолдиғининг барқарорлиги (фавқулодда ҳолатлардан ташқари) банкнинг молиявий барқарорлигини ифодалайди
Мижозларнинг гуруҳлари бўйича омонатларни банкда сақланишининг ўртача муддати	Мижозлар гуруҳлари бўйича таҳлил даврида омонатлар қолдиғининг ўртача суммасининг қайтариб олинган омонатлар суммасига нисбати	

Юқоридаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар тижорат банклари учун қуйидаги муҳим саволларга жавоб топиш имкониятини беради:

- ресурслардан самарали фойдаланиш нуқтаи-назаридан банк учун жозибador бўлган мижозлар гуруҳини аниқлаш;

- мижозларни жалб этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш учун депозит портфелининг оптимал ҳажми, мижозларнинг таркибий тузилмаси ва бошқаларни аниқлаш;

-мижозлар гуруҳлари кесимида омонатларнинг барқарорлигини аниқлаш ва шу асосда самарали фоиз сиёсатини олиб бориш;

- депозит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун электрон информацион-аналитик тизимни жорий этиш.

**2-жадвал.**

**Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини ифодаловчи  
коэффициентлар (Рыков, 2019)**

<b>Кўрсаткич номи</b>	<b>Ҳисоблаш тартиби</b>	<b>Иқтисодий моҳияти</b>
Соф СПРЭД	$ССПРЭД = (Фк / К) \cdot 100 \% -$ $- Дф / Д \cdot 100 \%,$ Бунда: ССПРЭД – соф СПРЭД; Фк – кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар; К – берилган кредитлар суммаси; Дф – депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар; Д – жалб этилган депозитлар суммаси	Кредит қуйилмалари бўйича ўртача фоиз ставкалари ва жалб этилган депозитлар шартномасидаги фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ
Фоиз маржаси	$ФМ = (Фк - Дф) / ДАўрт. \cdot 100 \%,$ Бунда: ФМ фоизли маржа; ДАўрт. – даромад келтирувчи активларнинг ўртача қолдиғи	Фоизли маржанинг банк фаолиятига рентабеллигига таъсири даражасини аниқлашга хизмат қилади
Жалб этилган депозит ресурслари ўртача қиймати коэффициентлари	$ЖХ / Дўрт.$ Бунда: ЖХ-депозит ресурсларини жалб этишга қилинган жами харажатлар; Дўрт. – жалб этилган депозитларнинг ўртача суммаси	Жалб этилган депозитларга қилинган харажатлар миқдорини аниқлаш имкониятини беради
Жалб этилган депозит ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти	$Кдрф = Д / К \cdot 100 \%,$ Бунда: Кдрфс – жалб этилган депозит ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти	Жалб этилган депозитларнинг кредитларга йўналтириш даражасини аниқлаб беради
Жалб этилган депозит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти	$Кдрфс = Х / ФМ \cdot 100 \%,$ Бунда: Кдрфс – жалб этилган депозит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти	Депозит ресурсларини жалб этиш бўйича қилинган харажатларнинг даромад келтириши даражасини аниқлашга хизмат қилади
Депозит операциялари самарадорлиги	$Сдо = Дф / ДҚм,$ Бунда: Сдо – депозит операциялари самарадорлиги; ДҚм – банк мижозлари депозит ҳисобварқларидаги маблағларнинг ўртача қолдиғи	

Тижорат банклари депозит сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш бўйича юқоридаги жадвалда келтирилган коэффициентлар таҳлил этилаётган банк фаолият олиб бораётган муҳит, унинг ҳажми ва фаолиятининг устувор йўналишларига қараб камайтирилиши ёки қўшимча кўрсаткичлар билан тўлдирилиши мумкинлиги С.В.Рыков томонидан алоҳида қайд этилган.

## **5. Хулоса ва таклифлар.**

Тижорат банкларида депозит сиёсати самарадорлигини баҳолаш услубияти масалаларини ўрганиш асосида тижорат банклари ресурс базасида ички ва ташқи манбалардан жалб этилган қарз маблағлари салмоғининг ошиб бориши ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан жалб этилган депозитлар салмоғининг камайиб бориши мазкур жараённинг барқарор ривожланишига таъсир кўрсатади. Шу ҳолатни инобатга олган ҳолда, биринчидан тижорат банклари фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича талабларнинг кучайтирилиши банкларни узоқ муддатли молиялаштириш манбаларини топиш бўйича тадбирларни фаоллаштиришга имконият беради. Бундай тадбирлар ўз навбатида узоқ муддатли (1 йилдан охиқ муддатли) омонатлар бўйича таклиф этилаётган фоиз ставкаларининг ошишига олиб келади. Бир қатор макроиқтисодий омиллар таъсири доирасида тижорат банкларининг депозит портфелининг таркибий тузилмасида хорижий валюта шакллантирилган омонатлар ҳажмининг тўхтовсиз ошиб бориши, қайд этилган омиллар тижорат банкларининг кредит сиёсатинининг мақсади ва амалга ошириш воситалари такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфсиз иш юритишлари юзасидан белгиланган барча иқтисодий меъёрларга қатъий риоя қилиши депозит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида банк мижозларига таклиф этаётган депозит хизматлари таркибига пакетли, инновацион хусусиятга эга бўлган депозитларнинг мавжуд эмаслиги, депозит сиёсатининг самарадорлигига салбий таъсир ўтказиши деб ҳисоблаймиз.

### **Адабиётлар:**

Gounaris S. (- 2005) Measuring service quality in b2b services: an evaluation of the SERVQUAL scale vis-a-vis the INDSERV scale *Journal of Service Marketing*. № 19/6. P. 421-435.

Rostami M. (2015) CAMELS' Analysis in Banking Industry. *Global Journal of Engineering Science and Research Management*, , vol. 2, iss. 11, pp. 10–26.

Sahajwala R., Van den Bergh P. (2000) Supervisory Risk Assessment and Early Warning Systems. *BIS Working Paper*, no. 4, 53 p.

Буря А. (2008) Методика анализа клиентских средств банка -Москва : Вагриус, 154 с.

Горбенко М.М. (2013) Депозитная политика современных коммерческих банков // *Проблемы экономики и менеджмента*. № 5. С. 85–90.

Мурожаатнома (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси

Рыков С.В. (2019) Совершенствование формирования и реализации депозитной политики коммерческих банков в Российской Федерации. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10. Самара. 79-82 стр. 93-94 стр. м